

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 1011-хадис

1011 - وَعَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ يُرِقُّ  
إِكْتَابًا إِلَيْهِ أَقْوَامًا وَيَضْعُفُ بِهِ آخَرِينَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [817].

1011. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ бу Китоб ила баъзи қавмларни кўтаради, бошқаларни эса пастлатади», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Нававийнинг Имом Муслимдан олган бу ҳадиснинг бош таарафида шу маълумот берилган. Умар р.а.нинг Маккага волий қилиб тайинлаган Нофий ибн Абдулхорис, Макка тарафларидағи Усфонда халифа Умарга йўлиқади. Халифа унга;

- Бу водий халқига кимни таъйин этдинг? деб сўради. У эса;
- Ибн Абзони тайинладим, дейди. Умар:
- Ибн Абзо кимдир? Деб сўраганда, волий:
- Биз озод қилган қуллардан биридир деб айтади. Умар;
- Сен уларга озод қилинган бир қулни тайинладингми? Деганда, Нофий:
- Чунки у, Аллоҳнинг китобини яхши ўқийди ва бутун фарзларни билади, деб айтади. Буни эшитган Умар;
- Диққат қилинглар, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам шундай деб айтдилар, деб юқоридаги ҳадисни айтади.

Қуръон билан юксак даражага кўтарилганлар, унга иймон келтирганлар,

унга амал қилғанлар, ҳаётини Куръон билан ўтказғанлардир. Аллоҳ таоло бундай инсонларга дунёда ҳам охиратда ҳам неъматларини ато қиласи. Бунинг аксини қилғанлар эса, паст даражага тушади. “У ўша билан кўпчиликни залолатга кетказар ва кўпчиликни ҳидоятга солар” (Бақара сураси, 26-оят).

Куръонни ҳар турли инсонларга қандай таъсир қилганини бир қанча оятларда кўрмоқдамиз. Мисол учун; “Биз Куръонни мўъминлар учун шифо ва раҳмат ўлароқ нозил қилурмиз. У золимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас” (Исро сураси, 82-оят).

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

